

ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ

Ўзма имтиҳон (эссе) мавзулари учун саволлар

1. Жиноят процесси принциплари ва уларнинг процессуал нормаларни қўллашдаги аҳамиятини ёритиб беринг.
2. Жиноят процесси иштирокчилари ҳуқуқий мақомини изоҳланг ва уларни ўз фаолиятдан келиб чиқиб гуруҳлаштиринг.
3. Жиноят процессида иштирок этишга монелик қиладиган ҳолатлар ва улар асосида рад қилишнинг моҳияти ва аҳамиятини таҳлил қилинг.
4. Исбот қилиш жараёнида далилларни тўплаш, текшириш ва уларга баҳо беришнинг ўзаро фарқлари ва боғлиқлигини изоҳланг.
5. Сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш қоидалари ва унинг бошқа тергов ҳаракатлари билан ўхшаш ва фарқли жиҳатларини таҳлил қилинг.
6. Сўроқ қилиш тергов ҳаракатини изоҳланг, уни юзлаштириш тергов ҳаракатидан фарқли жиҳатларини таҳлил қилинг.
7. Жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тергов ҳаракатини ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари ва фарқли жиҳатлари.
8. Кўздан кечириш ва гувоҳлантириш тергов ҳаракатларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини таҳлил қилинг.
9. Айрим тергов ҳаракатларининг прокурор ёки суднинг рухсати билан ўтказилишининг зарурати ва аҳамиятини ёритиб беринг.
10. Жиноят процессида ушлаб туриш асослари, процессуал тартиби ва унинг қамоққа олишдан фарқли жиҳатларини таҳлил қилинг.
11. Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораларини қўллаш асослари, процессуал тартиби ва бу борада амалиётдаги муаммоларини ёритиб беринг.
12. Қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг фарқли ва ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилинг.
13. Лавозимдан четлаштириш процессуал мажбурлов чорасини қўллашнинг моҳияти ва аҳамиятини изоҳланг.
14. Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш процессуал мажбурлов чорасини қўллашнинг моҳияти, аҳамияти ва ўзига хос хусусиятларини изоҳланг.
15. Мажбурий келтириш процессуал мажбурлов чорасини қўллаш асослари, хусусиятлари ва тартиби.
16. Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашнинг процессуал тартиби ва жиноят процессидаги аҳамиятини ёритиб беринг.
17. Жиноят процессида жиноятнинг олдини олиш чоралари ва уларнинг аҳамияти.
18. Жиноят процессида реабилитация қилишнинг аҳамияти ва унинг оқибатларини таҳлил қилинг.

19. Жиноят процессида процессуал муддатларнинг аҳамияти ҳамда уларнинг заруратини изоҳланг. Амалиётда мавжуд муаммолар ва уларга ечимлари бўйича таклифларингизни баён қилинг.

20. Жиноят ишини қўзғатишнинг сабаблари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини, фарқли ва ўхшиш жиҳатларини ёритиб беринг.

21. Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш асосларини ёритиб беринг, бу борада мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари юзасидан таклифларингизни баён қилинг.

22. Жиноят процессида терговга қадар текширув босқичининг ўзига хос жиҳатлари ва аҳамиятини изоҳланг.

23. Суриштирувнинг ва дастлабки терговнинг умумий ва фарқли жиҳатларини таҳлил қилинг.

24. Жиноят процессида суриштирув ва дастлабки тергов муддатларининг моҳияти ҳамда уларни узайтириш билан боғлиқ муаммоли масалаларни ёритиб беринг.

25. Жиноят ишида гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш асослари, тартиби ва уларнинг фарқли жиҳатларини таҳлил қилинг.

26. Жиноят процессида айбловни ўзгартириш, тугатиш ва тўлдиришнинг аҳамияти ва зарурати, уларнинг бир-биридан фарқли ва ўхшаш жиҳатлари.

27. Суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш ва қайта тиклашнинг моҳияти ва уларнинг ўзаро фарқли жиҳатларини баён қилинг.

28. Жиноят процессида қидирув эълон қилишнинг асослари, тартиби, ўзига хос хусусиятлари ва аҳамиятини ёритиб беринг.

29. Жиноят ишини тугатиш асослари ва унинг оқибатларини ёритиб беринг.

30. Айблов хулосаси ва айблов далолатномаси билан дастлабки терговни тамомлашнинг ўзаро фарқли жиҳатларини таҳлил қилинг.

31. Ишни тарафларнинг ярашувига ҳамда амнистия актига асосан асосан дастлабки терговни тамомлаш, уларнинг ўзаро фарқли жиҳатларини таҳлил қилинг.

32. Жиноят процессида суриштирувчи ва терговчилар фаолиятининг фарқли ва ўхшаш жиҳатларини ёритиб беринг.

33. Вояга етмаганларнинг жиноятлари бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари олиб боришнинг ўзига хос хусусиятлари.

34. Вояга етмаганларнинг ишлари бўйича эҳтиёт чораларини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари.

35. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни ёритиб беринг.

36. Суд-психиатрия экспертизасини тайинлаш ва унда аниқланадиган масалаларни таҳлили.

37. Қўшимча, қайта, комиссиявий ва комплекс экспертиза тайинлашнинг фарқли ва ўхшаш жиҳатларини ёритиб беринг.

38. Шахснинг тиббий муассасага жойлаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари ва бошқа процессуал мажбурлов чораларидан фарқи.

39. Судга қадар иш юритишда рақамли технологиялардан фойдаланиш масалалари.

40. Эксперт ва мутахассисларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг фаолиятидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларини таҳлил қилинг.

41. Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш жараёнининг аҳамиятини изоҳланг ҳамда уни одатдаги кўрсатувларни мустаҳкамлаб қўйиш тартибидан фарқли жиҳатларини таҳлил қилинг.

42. Кўздан кечириш тергов ҳаракати ва тинтув тергов ҳаракатлари ўтказишнинг процессуал тартиби ва уларнинг бир-биридан фарқли ва ўхшаш жиҳатлари.

43. Экспертиза ва тафтиш тайинлаш ва ўтказиш тартиби, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари.

44. Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув ва ярашув институтлари, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини таҳлил қилинг.

45. Шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш принципи ҳамда аҳамияти.

46. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш принципи ҳамда аҳамияти.

47. Нарса ва ҳужжатларни тақдим этиш тергов ҳаракатини ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари, олиб қўйиш тергов ҳаракатидан фарқли жиҳатлари.

48. Электрон далиллар, уларга қўйилган талаблар ҳамда уларнинг исбот қилишдаги аҳамияти.

49. Жиноят процессида чиқимларни қоплаш тартиби, бу борада мавжуд муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари.

50. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш усуллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

51. Гувоҳлантириш ва кўздан кечириш тергов ҳаракатлари, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари

52. Мурдани эксгумация қилиш қилиш тергов ҳаракати, унинг ўзига хос хусусиятлари ва амалиётдаги муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари

53. Эксперимент тергов ҳаракати тайинлаш ва ўтказиш асослари ҳамда тартиби, экспертизадан фарқли жиҳатлари

54. Кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш тергов ҳаракати, унинг ўзига хос хусусиятлари ва исботлаш қилишдаги аҳамияти

55. Процессуал мажбурлов чораларини қўллаш, уларнинг бир-биридан фарқли жиҳатлари ва жиноят процессидаги аҳамияти.

56. Жиноят иши бўйича дастлабки эшитув институти ҳақида маълумот беринг, унинг ўзга хос жиҳатларини ёритинг.

57. Қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашни изоҳланг, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини таҳлил қилинг.

58. Олиб қўйиш ва тинтув тергов ҳаракатлари ўтказишнинг процессуал тартиби ҳақида маълумот беринг ва уларнинг бир-биридан фарқли ва ўхшаш жиҳатларини изоҳланг.

59. Шахснинг айбдорлиги исботлангунга қадар айбсиз деб ҳисобланиши ҳақидаги конституциявий нормани таҳлил қилинг.

60. “Хабеас корпус” институтига оид конституциявий нормани таҳлил қилиб, жиноят процессидаги аҳамиятини атрофлича ёритиб беринг.